

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod



Шу кунларда Олмалик кон-металлургия комбинатининг Мис эритиш заводи ўзининг 60 йиллигини нишонламоқда. Мис эритиш заводи Комбинатнинг энг йирик бўлинмаси бўлиб, катод миси, олтин, кумуш, селен, теллур, сульфат кислотаси, мис купороси, аммоний перренат, куйдирилган молибден ярим тайёр маҳсулот ва эмалланган сим ишлаб чиқарувчи, илғор технология ва хом ашё таркибидаги асосий металлларни олиш учун тўлиқ технологик занжирга эга замонавий корхона ҳисобланади.

Қўтлов

НОДИР КОМБИНАТНИНГ
"Ботиш юраши"Вилоят
бўйлаб

ПИСКЕНТ тумани ҳокими Нодирбек Якубов Хитой Халқ Республикасининг Бочжоу шаҳри мэри билан учрашди. Мулоқотда икки томон ўртасида самарали ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

ОХАНГАРОН шаҳрида масъуллар иштирокида шаҳар электр таъминоти корхонасида ташкил этилган махсус штаб, кўп қаватли уйлар, боғча ва мактаб биноларининг қиш мавсумига тайёргарлиги ўрганилди. Аниқланган камчиликларни қисқа муддатда бартараф этиш юзасидан зарур чоралар ишлаб чиқилди.

ЎРТА ЧИРЧИҚ тумани прокурори У.Камиллов муаммоли ёшлар билан учрашди. Унда ёшларнинг ишга жойлашиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши, ўзини ўзи банд қилишида учраётган муаммоларни ҳал этиш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берилди.

АНГРЕН шаҳар ахборот-кутубхона марказида ҳуқуқшунос Комил Синдороннинг «Ғайриоддий интиқом» китобининг тақдими бўлиб ўтди. Кечада «XXI аср детектив асарлари муаллифи» деб номланган китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

АНГРЕН шаҳар ахборот-кутубхона марказида ҳуқуқшунос Комил Синдороннинг «Ғайриоддий интиқом» китобининг тақдими бўлиб ўтди. Кечада «XXI аср детектив асарлари муаллифи» деб номланган китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Назорат

БИР ЛАҲЗАЛИК ҚУВОНЧ

бир умрлик ташвишга айланмасин

Хар йили Янги йил байрами яқинлашаётганда одамларнинг тинчлигини бузадиган, асабийлаштирадиган, турли кўнгилсиз ҳолатларга сабаб бўладиган, халқ тилида "пақилдоқ" деб аталувчи пиротехника воситаларининг шовқини эшитила бошлайди.

Бу "уйинчоқ"дан, аввало, болалар жабр чекаптилар. Маълумотларга қараганда, болалар орасида турли тан жароҳати олаётганлар, кўриш ва эшитиш қобилиятини йўқотганлар, ҳатто қўл-оёғидан ажраб қолганларнинг ҳам учраши ғоят ачинарли.

3▶

ОЛДИМИЗДАН ОҚҚАН СУВНИНГ
ҚАДРИ ЙЎҚМИ?Республикамызда сувни тежаш бўйича
фавқулодда иш тизимига ўтилади

Сув — ҳаёт манбаи эканлигини ҳамма билади. Афсуски, табиат томонидан инъом этилган бу бебаҳо неъмат захи-

ралари йилдан-йилга камайиб бормоқда. Глобал исиш натижасида, 2050 йилга бориб Марказий Осиё Ер юзидagi сув энг

тақчил бўлган ҳудудлардан бирига айланиши эҳтимоли катта.

(Давоми 2-саҳифада) ▶



Долзарб мавзу

ТОМОРҚА — ТОМНИНГ ОРҚАСИ ЭМАС

у хонадоннинг "юзи",
маданияти ва даромад
манбаи ҳамдир

Қишлоқ одамлари табиатан содда, оддий, меҳнаткаш бўлишади. Бир ишга киришдимиз, охирига етказмасдан қўйишмайди. Шунинг учун ҳам боғ-роғлар яшнаб, томорқалар даромад манбаига айланиб бормоқда. Янгийул туманида ҳам томорқадан унумли фойдаланиб, оиласи фаровонлиги, бозорларимиз тўқинлигига муносиб ҳисса қўшаётган хонадонлар кўп.

Хусусан, "Қўшғоқ" маҳалласи аҳолиси ҳам томорқачилиқдан яхши даромад топишмоқда.

2▶



Кўн тартиби

АГРАР ТАРМОҚ
УЧУН ЯНГИ
ТАКЛИФЛАР

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев Туркиядаги йирик корхоналар — "Reel Teknik Muhendislik" фирмаси бош директори Исмаил Кўркмаз ва "ProGen Tohum A.Ş" (уруғчилик) фирмасининг Ўзбекистондаги вакили Дилмурод Калоновлар билан учрашди.



Унда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга қаратилган бир қатор лойиҳалар билан танишилди.

Яъни, автоматлаштирилган томчилатиб ҳамда ёмғирлатиб сугориш тизимини вилоятда жорий этиш, шунингдек, қишлоқ хўжалигида пахта етиштиришда Fertirell фирмасининг микробиологик ўғитларини тажрибадан ўтказиш ва энг асосийси, "ProGen Tohum A.Ş" фирмасининг пахта уруғларини Ўзбекистонга олиб келиш таклифлари ўртага ташланди.

— Пахтани жонли бактериялар орқали етиштириш об-ҳаво шароитига қарамай, чигитнинг 100 фоиз униб чиқишини таъминлайди, шунингдек, минерал ўғитларни 50 фоизга тежаш ҳамда тупроқни зарурий ўғитлар билан бойитиш имконини беради, — дейди Д. Калонов.

Учрашувда ҳосилдорлиги юқори, генетикаси ўзгартрилмаган ушбу ғўза уруғини келгуси йилларда Тошкент вилоятининг дала майдонларига экиш амалиёти йўлга қўйилиши мумкин. Бунинг учун дастлаб, соҳа вакиллари, кластер ва фермерлардан иборат делегация январь ойида мазкур фирмага тажриба алмашиш учун юбориладиган бўлди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

Обуна—2024



Қадрдон газетангиз

"TOSHKENT
HAQIQATI" га2024 йил учун
ОБУНА

бўлишни унутманг.

НОДИР КОМБИНАТНИНГ "БОТИР ЮРАЧИ"



Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида корхонанинг олтин ва кумуш ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. 1991 йил 24 декабрда заводда илк бор соф кумуш, орадан икки кун ўтиб, Олмаликнинг биринчи 999,9 соф олтини олинди. 1996 йилда Лондон рангли металллар ассоци-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ацияси комбинатда юқори сифатли кумуш ишлаб чиқарилишини расман тан олди. Шу йилнинг ўзида Лондон рангли металллар биржаси комбинат кумушига "Энг яхши етказиб берувчи" мақомини берди.

Тадбирда бир гуруҳ илгор металлурглрлар "Кончилик шухрати" кўрак нишони, фахрий ёрлиқлар ва қиммат-

баҳо совғалар билан тақдирландилар. Юбилей айёмида, шунингдек, АҚШ ва Европанинг етакчи компаниялари вакиллари ҳам иштирок этишди. — Бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли sanoat sohasi жадал суръатларда ривожланиб бормоқда, — деди Финляндиянинг Metso Outotec компанияси президенти Пия Карху. — Биз каби хорижий инвесторларнинг қизиқишлари ҳам йилдан йилга ортиб борапти. Компаниямиз Олмалик кон-металлургия комбинати билан бир неча йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келади. Биз комбинатнинг янги бойитиш фабрикаси ва металлургия комплекси учун ускуналар етказиб беришни режалаштирганмиз. Бугунги кунда комбинатда амалга оширилаётган мега лойиҳада иштирок этаётганимиздан

мамнунмиз. Компаниямиз номидан корхона эришган ютуқлар бардавом бўлишини ва ўзига хос анъаналарни сақлаб қолган ҳолда янада ривож топишини тилаймиз. Тадбирда машҳур хонандалар иштирокида концерт дастури намойиш этилди. Шу кун хорижий меҳмонлар ва комбинат фахрийлари Қалмоққир ва Ёшлик конлари, 3-Мис бойитиш фабрикасининг қурилиш жараёни ва Мис эритиш заводи фаолияти билан яқиндан таништирилди. Шунингдек, фахрий металлурглрлар бугунги авлод металлурглари билан биргаликда мисдан "Дўстлик қўмағи"ни қуйишди. Унга келажак авлодга мактуб жойланди. Мактубда корхонага асос солган фахрийлар ва ҳозирда меҳнат қилаётган металлурглрлар номидан келажакда шу заводда ишлайдиган ёш авлодга тилақлар изҳор этилди. Юбилей айёми "Тоғмахал" банкети залда давом этди

ОКМК матбуот хизмати

ТОМОРҚА — ТОМНИНГ ОРҚАСИ ЭМАС у хонадоннинг "юзи", маданияти ва даромад манбаи ҳамдир

— Еримизнинг ҳар қаричини бекорга олтинга тенглаштирмайдилар, — дейди маҳалла раиси Ойбек Усмонов. — Фикримча, томорқаси бор, ундан даромад олиш имкониятига эга хонадонларни кам таъминланган деиш нотўғри. Фақат уларга далда бўлиб, томорқадан қандай фойдаланиш ва даромад олишни ўргатиш керак. Маҳалламиздаги ҳар икки хонадоннинг берида иссиқхона бор, йилнинг тўрт фаслида ҳам туркираб туради. Омилкор томорқачилар иссиқхона ташқарисидаги кафтдек ерни ҳам бўш қолдирмай, рўзгорбоп сабзавотлар екишади.

Оқсоқол ҳамроҳлигида маҳаллани айланар эканмиз, унинг гаплари тўғрилиги амин бўлди. Устозлар кўчасида истикомат қилувчи Сардор Алпаназаров анча йилдан бери томорқасидаги иссиқхонадан йилга 3 марта ҳосил олишга эришмоқда. 10 сотихлик 2 та иссиқхонада йил бўйи помидор, бўлғор қалампир, қўкатлар етиштиради. Маҳсулотларни бозорга олиб чиқишнинг ҳождати йўқ, харидорларнинг ўзлари келиб олиб кетишади. Таҳриба учун баҳорда экилган 5 туп банан кўчати ҳам ерга яхши мослашганидан бўйи иссиқхона тепасига етиб қолди.

— Ерга меҳр бизда болалиқдан (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



шакланган, — дейди Сардор ака. — Сепган уруғинг униб, туркираб ўсганини кўрганингда меҳнатинг зое кетмаганига хурсанд бўласан. Деҳқончиликда энг муҳими қайси экинни қай вақтда екишни билиш ва фурсатни бой бермаслиқдир. Албатта, парвариш ҳам ўз вақтида амалга оширилиши керак. Шу маҳаллалик Набижон ака Қодировни туманда деҳқон-тадбиркор сифатида яхши билишади. У 10 йилдан бери доривор ўсимликларни етиштириш билан шуғулланади. Аввалига хонадонида иш бошлаган Набижон ака, кейинчалик 3 гектар ерни ижарага олди. Ҳозир у майдонда четдан олиб келинган шалфей, розмарин, чебрец, тимьян, майоран, лаванда каби ҳам доривор, ҳам озуқабоп ўсимлик-



лар плёнка остида кўпайтирилмоқда. — Кўчат етиштириш жуда назик иш, — дейди Набижон ака. — Бунда ҳароратни мўтадил сақлаш, парваришlash жараёни ўз вақтида, сифатли бажарилиши лозим. Бунинг учун, албатта, муайян тажриба ва малака зарур. Баъзилар пул топиш, яхши яшашни орзу қиладую, аммо оёғи остидаги ердан унумли фойдаланишни ўйлаб ҳам кўрмайди. Биз етиштираётган ўсимликларни аҳоли ҳовлисига екиш, таомларга солиш учун сотиб олади. Мисол учун, розмарин гўштли таомларга ўзгача мазза берса, лаванда ифори уйқунни яхшилайдди, майоран ошқозонни тозалаб, бош оғриғига даво бўлади. Набижон аканинг саяё-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ. У одамларга солиқ

улашяпти, ҳам ўз меҳнати ортидан олиси даромадига даромад қўшмоқда. Фикримизча, қишлоқда яшайдиган одамларнинг хонадонига ҳеч қачон камбағаллик мўраламайди, қачонки, уларнинг "бекорчиликини касб қилиб олган" айримлари томорқани чинакам ҳазина эканини англаб, юқоридаги каби миришкор томорқачилар тахрибасини ўрганиб, сидқидилдан меҳнат қилишса... "Қўшғоч" маҳалласи аҳли эса томорқа ризқ-рўз, қўшимча даромад манбаи, бандлиқни, арзончилиқни таъминлашнинг самарали йўли эканини аллақачон англаб етишган. Нозима РАСУЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири Жалолiddин ЭСОНОВ олган суратлар

ОЛДИМИЗДАН ОҚҚАН СУВНИНГ ҚАДРИ ЙЎҚМИ?

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўтган асрнинг 60-йилларига қийслаганда дунёда сувга талаб икки баравар кўпайган. Бунга аҳоли сонининг ортиши, қишлоқ хўжалиги ва sanoatнинг ривожланиши таъсир кўрсатди. Иқлим ўзгариши сабаб, дунёнинг кўплаб мамлакатларида аҳоли ичимлик суви етишмаслигидан азият чекмоқда. Ўзбекистонда ҳам сув ресурсларига эҳтиёткорлик билан ёндашиш масаласи кун тартибиде турибди. Бу борада қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб, сув ресурсларини тежаш билан боғлиқ ислохотлар олиб боришмоқда. Хусусан, Президентимиз расислигида жорий йил 29 ноябрда қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида жиддий масалалар кўтарилди. Жумладан, мамлакатимиздаги сув ресурсларининг 20 фоизи ўзимизда, катта қисми қўшни давлатларда шаклланади. Иқлим ўзгариши оқибатида сув манбалари йил

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

сайин камайиб бормоқда. Трансчегаравий дарёларни бошқариш бўйича вазият ҳам жиддий. Буларнинг таъсирида 2030 йилга бориб юртимизда сув танқислиги 15 миллиард куб. метрга етиши прогноз қилиняпти. Йиғилишда таъкидланганидек, республикамизда жами сув ресурсларининг 90 фоизи қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Ҳисоб-китобларга кўра, юртимизда бир гектар пахта майдонини сугориш учун йилга 10-11 минг кубметр сув сарфлангани ҳолда, иқлими ва ери бизникига ўхшаш мамлакатларда суви тўғри бошқариш, исроф қилмаслик ҳисобига бундан 2-3 баравар кам сув ишлатилмоқда. Шулардан келиб чиқиб, йиғилишда соҳадаги муаммолар, янги ташаббус ва вазифалар муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари бир йил давомида суви тежаш бўйича фавқулодда иш тизимига ўтилишини таъкидлади. Хўш, бу тизим қандай бўлади? Биринчи навбатда, канал ва ариқларни бетонлаш, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, суви етказиш харажатларини қисқарти-

риш борасида амалга ошириладиган долзарб вазифалар белгилаб берилди. Мазкур вазифалар ижроси вилоятимизда қандай амалга оширилаётгани билан қизикди. Тошкент вилоятининг Чирчиқ-Охангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси матбуот хиз-



дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Ана шундай йиғилишлар Бўка, Ўрта Чирчиқ ҳамда Пискент туманларида бўлиб ўтди. Унда мавжуд ички канал ва ариқларни бетонлаштириш, сув тежовчи технологияларни янада кенгроқ қўллаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. — Бугунги кунда вилоятда 12 минг километрдан зиёд ички канал ва ариқлар мавжуд бўлиб, вегетация мавсумига қадар салкам 1 минг 300 километр канал ва ариқларни бетонлаштириш режалаштирилган, — дейди ҳавза бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Қўрбонов. — Бу бўйича манзилли дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Айни кунларда Бўка, Ўрта Чирчиқ,

Юқори Чирчиқ, Пискент туманларидаги ички канал ва ариқларни бетонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Режага кўра, биргина Пискент туманининг Дўстбеков, Навоий, Охунбобоев, Туркистон худудларидан оқиб ўтувчи ички ариқларнинг салкам 52 километр қисми бетонлаштирилади. Дарҳақиқат, эндиликда суви тежаш, исроф қилмасдан фойдаланишга ҳар биримиз масъул эканимиз кундек аён бўлиб турибди. Вилоятимизда сўнгги йилларда кўплаб аҳоли масканлари тоза ичимлик суви билан таъминланди. Бироқ, бугун мазкур худудлардаги маҳаллаларда сувга бўлган муносабатни қўриб, ичингиз ачийди. Яқин-яқингача ичимлик сувини фалон пулга сотиб олаётган маҳаллаю кўчаларда сув жўмраклардан беҳуда оқиб ётганига нима дейсиз?! Айрим кўздан пандадаги машина ювиш шаҳобчаларида ичимлик суви беармон сарфланаётгани ҳам бор гап... "Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ" деганларидек, сувнинг хонадонларимизга етиб келишига саарфланаётган маблағ, соҳа ходимларининг меҳнатини унутмайлик. Дарвоқе, видеоселекторда қишлоқ хўжалигида томчилатиб сугориш тизимини жорий қилиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш масалаларига ҳам тўхталинди. Бу борада амалга оширилаётган ишлар, томчилатиб сугоришнинг афзалликлари, мазкур технологияларни ўрнатилдиган камчиллар, мутахассисларнинг етишмаслиги кейинги мақоламизнинг мавзуси бўлади. Нозима АРСЛОНОВА

Назорат

Болалар пиротехника воситаларининг салбий оқибатларини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Аксинча, унинг портлашига, ундан чиқадиган шовқинли овозга, уртоқларини чўчишиб кўрkitганларига хурсанд бўладилар. Ушбу хавфли «ўйинчоқ»ларни яширинча пуллаётганлар қонун олдида жавоб беришади, албатта. Аммо бундай махсулотлар харидори бўлган болалар саломатлигига нега ота-оналар, кенг жамоатчилик бефарқ? Ахир, "пақилдоқ"лардан турли ёшдаги инсонлар, беморлар, ҳомилдор аёллар ҳам азият чекмоқдалар. Шифокорларнинг сўзларига кўра, одам беҳосдан чўчиганда, ёки қаттиқ кўрkitиши оқибатида турли касалликларни орттириб олади. – Ҳар йили Янги йил арафасида ва байрамдан кейинги кунларда пиротехника воситаларидан олинган жароҳатлар билан муножаатлар кўпаяди, – дейди республика шовқинчи тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиали директори Азиз Эрматов. – Юз, кўл соҳаларида оғир қўйиш жароҳатлари, кўз шикастланиши ва кўрkitиш фаолияти қисман ёки бутунлай бузилиши кузатиладиган бундай беморлар, афсуски, тегишли муолажалардан кейин ҳам қатор асоратлардан азият чекишлари мумкин. Ҳатто, айримлар ногиронликка маҳкум бўлади. Қолаверса, танада бир умрлик чандиқ қолиши эҳтимоли катта. Бундан ташқари, қаттиқ шовқиндан чўчиб, сурункали асаб ва қон-томир тизими касалликлари, қандли диабетга чалинганлар, ҳомиласини йўқотганлар ҳам бор. Юртимизда пиротехника буюмларидан фойдаланиш тақиқланганига қарамасдан, байрам арафасида айрим "тадбиркор"лар мўмай (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

даромад илнинжида уни чегарадан ноқонуний олиб ўтишга уринишади. Бунга қарши божхона органлари томонидан тизимли равишда кураш олиб борилмоқда. Бизга тақдим этилган маълумотларга кўра, ви-

ника воситаларини ноқонуний олиб киришга уринишлар фoш қилина бошлади. Бу ишга пул тикканлар, маҳсулот, албатта, сотилишига кўзи етади. Уларнинг бизнеси юришишига ўзимиз сабабчимиз. Шуни кимдир

Пиротехника воситаларининг ноқонуний айланмасига чек қўйиш ва қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида вилоят Ички ишлар бош бошқармаси ва унинг қўйи тизими ходимлари томонидан ҳам назорат

Бир лаҳзалик қувонч бир умрлик ташвишга айланмасин



лот божхона ходимлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда жорий йилнинг айни кунига қадар 11 та ноқонуний ҳолатни қайд этишган. Умумий қиймати 409 млн. сўмга тенг бўлган, жами 794 минг дона пиротехника воситасининг юртимизга кириши тўхтатиб қолинган. 2 та ҳолат бўйича жиноий иш кўзатишган. – Одатда Янги йил байрами арафасида пиротехника воситаларининг ноқонуний муомаласи нафакат бизда, балки бутун дунёда авж олади, – дейди Тошкент вилояти божхона бошқармасининг Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бўйича бош инспектори Наргиза Зухурова. – Шу сабабли "уддабурунлар" ҳам отни вақтлироқ қамчилашга уринишади. Жорий йилнинг сентябрь ойиданоқ пиротех-

сотиб олмаса, бозорда талаб бўлмаса, таклиф ҳам йўқолади. Ҳозирда пиротехника воситаларини асосан божхона назорати ўрнатилмаган айланма йўллар, мураккаб жойлашувдаги чегарадош ҳудудлардан олиб ўтишга уринишмоқда. Негаки, чегара-божхона постларида назорат қаттиқ.

Мавзуга доир

Мақолани нашрга тайёрлаш вақтида Тошкент вилояти божхона бошқармаси Контрабандага қарши курашиш бўлими ДХХ ва ИИБ тезкор ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда 200 миллион сўмлик "пақилдоқлар" тўхтатиб қолингани ҳақида хабар келди.

Унда айтилишича, Тошкент вилоятининг «Чинор» йўл патруль хизмати масканида фуқаро бошқарувидаги KIA русумли юк автотранспорт воситаси

тадбирлари амалга оширилмоқда. – Афсуски, бу йўналишда олиб борилаётган тарғибот тадбирлари, "пақилдоқ"ларнинг оғир оқибатла-

тўхтатилиб, кўздан кечирилганда машина юкхонасида олиб кетилаётган қўкатлар остида 9 дона картон қўтиларда пиротехника воситалари яширилгани аниқланган. Суриштирувлар давомида ушбу пиротехника воситалари хорижда ишлаб чиқарилган ва четдан ноқонуний олиб кирилгани маълум бўлган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, аниқланган салкам 86 минг дона пиротехника воситаларининг умумий қиймати 200 миллион сўмдан ошмоқда. Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.


ри тўғрисидаги огоҳлантиришларга қарамай, вилоят ҳудудига пиротехника воситаларини ноқонуний олиб кириш, ҳатто қўлбола усулда ясаб сотиш ҳолатлари кузатилмоқда, – дейди Тошкент вилояти ИИББ Аxbорот хизмати бошлиғи, капитан Бобур Туляганов. – Жорий йилнинг 15 ноябрдан 10 декабригача олиб борилган профилактик чора-тадбирлар натижасида "пақилдоқ"ларнинг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ 100 дан ортиқ ҳолат аниқланган бўлиб, турли ҳажм ва кўринишдаги жами 1 млн. 347 минг 131 дона пиротехника воситаси мусодара қилинди. Шунингдек, бундай ноқонуний иш билан шуғулланишнинг ҳуқуқий ва бошқа оғир оқибатлари тўғрисида жамоат жойларида, ташкилот ва корхоналарда 1 минг 626 марта тушунтириш ва тарғибот тадбирлари ўтказилди, интернет тармоқлари орқали юздан зиёд чиқишлар қилинди. Вилоят ИИББ Аxbорот хизмати берган маълумотларга кўра, вилоят ҳудудига жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши ўтказилаётган "Долзарб 40 кун" тезкор профилактик тадбири давомида Бекобод шаҳрининг "Обод турмуш" маҳалласида ҳайдовчи А.Р. бошқарувида бўлган Cobalt т р а н с п о р т воситаси тўхтатилиб текширилганда, автомобил-

да фуқаро Р.Н.га тегишли бўлган 104 минг 542 дона "Британик" ва "7-шотс" номли пиротехника воситаси борлиги аниқланиб, ҳужжатлаштирилган. Шунингдек, Оҳангарон туманидаги "Чинор" ИПХ масканида "Водий-Тошкент" йўналишида ҳаракатланиб келаётган 32 ёшли ҳайдовчи Р.Р. бошқарувидаги Isuzu юк машинаси текширилганда, дароҳт қўчатлари остига беркитилган 20 дона картон қўтида қиймати 144 млн. сўмлик пиротехника воситаси борлиги аниқланган ва далилий ашё сифатида ҳужжатлаштириб олинган. Эслатма: Ўзбекистон Республикаси МҲТКнинг тегишли моддасига кўра, пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи – ашёларни мусодара қилиб, БҲМнинг 5 бараваридан 20 бараваригача жарима солишга сабаб бўлса, Жиноят кодексига кўра, пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи маъмурий жавобгарликдан сўнг яна содир этилса, БҲМнинг 50 дан 100 бараваригача жарима ва 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Шу ўринда ноқонуний товарлар савдоси билан шуғулланаётган "тадбиркор"ларга айтадиган гапимиз: "пақилдоқ"ларни олиб кириш ва сотишдан олдин яхшилаб ўйлаб кўринг, пул топаман деб, бировнинг фарзанди ёки яқинининг жабр чекишга сабабчи бўлиб қолманг. Уларнинг ўрнида сизнинг фарзандингиз ёки яқинларингиз бўлиши ҳам мумкин. Фурсатдан фойдаланиб, ота-оналарни ҳам огоҳ бўлишга чақирамиз. Зеро, фарзандингизга ҳақда қилмоқчи бўлган бир лаҳзалик қувонч бир умрлик ташвишга айланмасин. Нозима РАСУЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири

■ Ижодкор ён дафтарида

1989 йилнинг 15 июни, кун жуда иссиқ. Атрофи тут дарахтлари билан ўралган Кавардон қишлоғидаги сўлим дала шийпони-га тумонат одам тўпланган. Улар ўзбек адабиётининг атоқли намояндаси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг хотира кечасига йиғилишган. Тадбирнинг айнан шу ерда ўтказилиши бежиз эмас эди. Чунки Ойбек домла ҳаёти ва ижодининг охириги йилларини ана шу қишлоқда ўтказган. Шийпон тўрида Ўзбекис-

тон халқ шоирлари Туроб Тўла, Ҳусниддин Шарипов, Усмон Азим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Эркин Усмонов, адабиётшунос олимлар Наим Каримов, Шўҳрат Ризаев ва бошқа ижодкорлар. Учрашув узоқ давом этди. Туроб Тўла Ойбек билан суҳбатлашган кунларини эслаб, қизиқ ҳикоялар сўзлаб берди.



■ 101 огоҳлантиради

БАЙРАМ ТАЛАФОТСИЗ ЎТСИН

Мана, 2023 йил ҳам яқунланиб бормоқда. Юртимиз бўйлаб Янги йил байрамини нишонлаш тадориги кўрилмоқда. Шу жумладан, аҳоли хонадонларида ҳам арчалар безатилмоқда. Арчани ёнғин хавфсизлиги ва техник талабларга риоя қилган ҳолда ўрнатиш ва безаш мумкин. Бунда бир нечта тавсияларга амал қилинса, қутилмаган кўнгилсизликларнинг олди олинади. Аввало, арчани мустаҳкам асосга ўрнатиш керак. Арчани иситиш печи ва электр жиҳозларига яқин жойда ўрнатиш қатъиян ман қилинади. Шунингдек, фақат ишончли ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган, соз электр маржонлар билан безатиш лозим. Арчани безатишда

енгил алангаланувчи ўйинчоқлар, пахта, шам ва қозғолардан фойдаланманг. Арча ёнида пиротехника махсулотлардан фойдаланиш тақиқланади. Ёнғин ва бошқа фавқулодда ҳолатлар юзга келганда 101 ёки 1050 телефон рақамларига мурожаат қилинг. А. АҲМЕДОВ, Мирзо Ўлғабек тумани ФВБ П ва НБ инспектори, капитан

”ҚИШЛОҒИНИНГ ЯНА БИР БОРСАМ...”



– Ўғлим, сени қаердадир кўргандайман-у, аммо эсполмай турибман, – деди. Туроб акага Кавардондаги учрашувни эслатдим. – Э, бўлди, танидим. Кавардон ажойиб қишлоқ экан. Ўшанда қишлоқнинг сўлим табияти, Қорасув дарёси, Хонариқ канали, Қорақалпоқ анҳори, айниқса, шоиртабиат одамлари мени ўзига ром этганди. Сўнг Туроб ака гап орасида: – Мен билан мулоқотда бўлган Зухриддин, Раҳмонқул, Раҳима ва Тожихон аялар бардам-бақувватми? Ёзувчи укам Ҳамид Мурод соф-саломат юрибдими? – дея сўрадилар. Сўнг мендан Ҳамид Муродни яқинда оламдан ўтганлигини эшитиб, “Худо раҳмат қилсин, яхши йигит эди”, дея фотиҳа қилдилар. Хайрлашув олдидан ийма-

тутиб маза қилиб дам олсам, дейман. – Имкон топсангиз, албатта боринг! – деб юртимизнингдан устозга. – Ўзим ҳамроҳлик қилиб, қишлоқнинг энг гўзал жойларини кўрсатаман... Аммо устозни Кавардонда яна меҳмон қилиш, у билан ариқлар бўйида сайр қилиш армон бўлиб қолди. Ўшанда бу сўнгги учрашувимиз эканлиги кимнинг ҳам ҳаёлига келибди... Ҳар гал Туроб Тўлани эслаганимда, китобларини қайта-қайта варақлаганимда: “Ўғлим, қишлоғингга яна бир борсам”, деган сўзлари қулоқларим остида тақдор ва тақдор янграётгандек туюлаверади. “Йиғлаб дунёга келган инсон тирикчилигида яхши ном қолдирган бўлса, дунёдан ўтганда ҳам йиғлаб кетар экан”, деган экан мавлоно Жомий. Устоз учрашувлар ўтказган жойлардан ўтиб қолсам, унинг шу ерларда Ойбек домлага атай ўқиган шеърлари ёдимга келади: ...Ватан қалам берди, катта муҳаббат, Юкламади унга оз ишни. Ҳаммасини берди ва фақат, Ургатмади ёмон ёзишни.

Латиф МАНСУР, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси

Дарвоқе

“СОВУҚ УРГАН” САБЗАВОТЛАР ЯРОҚСИЗ...МИ?

Юртимизда кузатилаётган совуқ ҳаво оқибатида сабзавотларни “совуқ уриши” эҳтимоли юқори. Хўш, бу каби махсулотларни истеъмол қилиш саломатлик учун хавфлими?



Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ахборот хизматида кўра, ҳар бир озиқ-овқат махсулоти техник жиҳатдан тартибга солиш ҳужжатларига эга бўлиши, давлат стандарти талабларига жавоб бериши керак. Яъни, ҳар бир махсулот қоида ва нормаларда белгиланган маълум ҳарорат ва ҳавонинг нисбий намлигида сақланиши лозим. Ҳавонинг кескин совиб кетиши натижасида бозордаги айрим сабзавот ва мева махсулотларини совуқ уриши эҳтимоли юқори бўлиб, бу махсулотлар ўзининг органик хусусиятлари – мазаси, таъмини йўқотиши ва истеъмолга яроқсиз хисобланади. Шунингдек, ушбу махсулотларнинг озуқавий қиймати ҳам пасаяди. Албатта, уларни истеъмол қилиш заҳарланишга олиб келмайди, лекин барча фойдалани хусусиятлари йўқолади, шунингдек, муздан тушганда кейин сақлаш муддати кескин қамайиб кетади.

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

босқичма-босқич ошиб бориш шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига қўйиладиган қўйилмоқда: 1. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин ҚФЙ ҳудудида 3,795 Га. ер майдонида жойлашган 2265 дона кўп йиллик дов-дарахтлардан иборат “Богзор”, бошланғич баҳоси – 100 211 119 сўм; 2. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин ҚФЙ ҳудудида жами 22,011 Га., шундан 20,865 Га. ер майдонида жойлашган жами 12285 дона кўп йиллик дов-дарахтлардан иборат “Богзор”, бошланғич баҳоси – 581 991 277 сўм; 3. Тошкент вилояти, Қўбрай тумани, “Дўрмон” ҚФЙ ҳудудида 1,402 Га., шундан 1,3 Га. ер майдонида жойлашган 350 дона кўп йиллик дов-дарахтлардан иборат “Богзор”, бошланғич баҳоси – 13 000 000 сўм; 4. Тошкент вилояти, Тошкент тумани, “Турғунбой Соҳибкор” агрофирмаси ҳудудида 4,12 Га. ер майдонида жойлашган 713 дона кўп йиллик дов-дарахтлардан иборат “Богзор”, бошланғич баҳоси – 18 123 360 сўм. Аукцион савдоси 2024 йил 16 январь кўни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яқин, 14-уйда бўлиб ўтади. Мазкур объектлар шу кўни сотилмаган тақдирда тақдирий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг сешанба кўни 2024 йил 31 декабрга қадар соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар “Закалат пули тўғрисидаги келишувни” имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини “TASHKENT REALTOR SERVICE” МЧЖнинг “Ипак йўли” АИТВ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим. Шунингдек, Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМ)га асосан талабгорларга қўчмас мўлқ бозоридида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатилади ҳамда риэлторлик хизматларини кўрсатиш бўйича шартномалар тўзлади. Очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар учун – давлат рўйхатидаги ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома; жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома. Мазкур ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, жамиятининг расмий иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Яқин, 14-уйда бўлиб ўтади. Қўбрай тумани, Яқин, 14-уйда қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 16.00 да тўхта-тилади. Тақдирий савдолар учун савдодан бир кун олдин соат 16.00 да тўхта-тилади. Қўшимча маълумотларни (55) 517-08-18 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.



Александр АБАЛЯН (Ташкент ҳақиқати) олган сурат

Ўзбек қўшиқчилиги санъати тарихида ёрқин юлдузга айланган Ўзбекистон халқ ҳофизини Фахриддин Умаров ҳаётида не кўргуликларни бошидан кечирганини катта ёшдаги мухлислари яхши биладилар.

Бугун орамизда бу улуғ санъаткор ҳам, унга ноҳақлик қилганлар ҳам йўқ...

Шуқри, улуғ ҳофизнинг ўлмас қўшиқларини миллионлаб мухлислари ҳамон мароқ би-

Фахриддин Умаров номи АБАДИЙЛАШТИРИЛИШИ КЕРАК

Машҳур санъаткорлар қисмати анча мураккаброқ кечишини кузатиб юрибмиз. Уларнинг бетакрор қўшиқларини севиб тингласак-да, ўзларини нечундир тиригида унча қадрламаймиз...

лан тингламоқдалар.

Демак, ҳушовоз ҳофиз жисман йўқ бўлса-да бетакрор қўшиқлари билан мангу яшайди!

Шундай экан, эл суйган ҳофиз Фахриддин Умаров номи абадийлаштириб қўйиш кони савоб иш бўлур эди.

Бу борада иккита таклифим бор:

1. Ҳофиз узоқ йиллар яшаган Қибрай тумани марказидаги кўчалардан бири "Ўзбекистон халқ ҳофизини Фахриддин Умаров кўчаси"

Таклиф

деб аталса.

2. Қибрай туманидаги муҳташам "Дўрмон" Маданият саройи шундай номланса:

"Ўзбекистон халқ ҳофизини Фахриддин Умаров номидаги Дўрмон Маданият саройи".

Улуғ ҳофиз номи билан аталадиган маскан — муҳташам бино фойесидида Фахриддин Умаров бюсти савлат тўкиб турса, улкан фотосуратлари қўйилса ва бирорта хонасида музейи ташкил этилса — олам гулистон!

Бағрикенглик билан қилинадиган бу савоби иш наинки улуғ ҳофиз руҳини шод этади, шу билан бир қаторда бугунги ва келгуси авлодлар учун ҳам ўзига хос ибрат мактаби, маънавият масканига айланиб қоларди.

Тўлқин ЭШБЕК,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Шанба сабоқлари Қўшнимнинг уйи куймасин

— Сувни аввал қўшнимнинг уйига сочинлар, — дея қайта-қайта ҳалак бўларди соҳига оқ оралаган киши.

— Нега? — ҳайрон бўлишарди тезкорлик билан шлангларни ёяётган ўт ўчирувчилар. — Бир чеккадан-да.

— Аввал қўшнимнинг уйдан бошланглар. Чунки, олов меникидан чиқиб, кейин у тарафга ўтган. Набирам гугурт ўйнабди... Меники ёнса ёнар, қўшнимнинг уйи куймасин.

Дунёда ана шундай қўшнилар ҳам бор...
Рустамжон УММАТОВ



Бебаҳо нарсанинг баҳоси Моҳият

* Туғилган кунинг эсдан чиқса чиқсин, бироқ нима учун туғилгани эсдан чиқмасин.

* Сассиқ дарахтга қўниб, чаҳчаҳлаб сайраётган булбулни ким қўрибди?

* Ҳайвонлар ҳам инсоний муносабатга муҳтож.

* Сиз вақтни тежамасангиз, вақт сизни тежайди.

* Одамларни барча кучли ва заиф томонлари билан, улар қандай бўлсалар шундайлигича қабул қилиш керак.

* Агар сен ҳалол меҳнат қилсанг, одамлар сени ўзлари излаб топади.

* Қўришни истасанг, ҳар қандай кимсада ҳам истаганча яхшиликларни қўришинг мумкин. Бунинг учун неқбин кўз бўлиши керак.

* Олимнинг жоҳилиги нимаю, жоҳилнинг олимлиги нима?

* Билмаслик гарчи айб эмас,

илло фазилат ҳам эмас.

* Юқсалишни истасанг — бошқаларни кўтар!

* Бошқаларни пастга тортаётган одам ўзининг ер қаърига кириб кетаётганини сезмайди.

* Чўғ пуфлаб аланга олдирилмаса, устини қул босиб сўнади. Пичоқни қайраб турмасангиз, ўт-маслашади, кесмайди. Рақобат йўқ жойда инқироз пайдо бўлади...

* Ёмоннинг ёмонлигини гапирганда кўра, яхшининг яхшилигини гапирган яхши.

* Бирон киши билан гаплашмоқчи бўлсанг, шундай бир тилда гаплашгинки, то гаплашганингга қадар у сенга душман бўлса — дўстага айлансин!

* Сен ўзингга бошқалар кўзи билан қара. Бошқаларга ўз кўзинг билан.

* Ҳаёт — оқар дарё... Дам ганимат. Ҳазрати одамни зиёрат қил.

Ожизларга кўмаклаш. Муҳтожларнинг қорига яра. Эртадан бошлайман, дейсанми? Эртага кеч бўлиши мумкин. Агар бугун ҳали кеч бўлиб қолмаган бўлса...

* Бировни ошириб-тошириб макташ — уни ортқ даража ерга уришдек гап. Ҳар иккала ҳолатда ҳам меъёр бузилади.

* Дунёнинг ишлари қизик. Одамлар бир-бирига яқинлашишлари учун гоҳо бир-бирларидан узоқлашишлари ҳам керакка ўхшайди. Ана шунда улар бир-бирларининг исини, шевасини, аъмолини соғинадилар. Кимни ва нимани йўқотганини англайдилар, бир-бирларига қараб талпиниб бошлайдилар!



* Ўзгаларнинг қалбларига тилинг билан эмас, дилинг билан кир.

* Бир-бирининг тағига сув қуймаса — чўллаб қоладиганлар бор.

* Одам боласини, мурғак қалбни бадбинлик ва нафрат билан фақат ўлдириш ва ногирон қилиш мумкин.

Ғайбулла ас-САЛОМ



Мен магнитофонни созларканман, деворда чиқиллаб турган осма соатга имо қилдим.

— Анавини олиб қўйиш керак, ёзувни устига тушиб қолади!

— Бекор айтибсан, фон бўлади!

— Фон Фармонбига керак, менга эмас! — дедим ўжарлигим тутиб. — Овозингизни тағида соат чиқиллаб турса, ўтказишмайди.

— Сурбет деса, ўлгудек бемазаю бўлиб кетибсан, — дедилар устоз асабийлашиб ва девордаги соатни эҳтиёткорлик билан қўшни хонага олиб чиқиб қўйдилар.

Ёзувни энди бошлаётгандик, ташқаридан радиопр-

Шип-шийдон хонадан РЕПОРТАЖ

лашиб қарши олдилар. Икковлашиб ичкари хонага ўтдик.

— Ўзинггам ўлгудек сурбет мухбир бўлсан! "Келақол" деса келаверасанми? — илжайдилар устоз лабларига сигарет қистириб. — Қачон қараса, ўзингга, бошқаларга ташвиш орттириб юрасан. Бу ёқда мен овора, у ёқда ўзинг, режиссёр, артистлар, оператор овора. Майли, бўлар йиқ бўлди. Ёзиб олақол! Вақт йўқ. Ишларим бошдан ошиб ётибди. Дўрмонга кетадиганман...

ёмникнинг ш а н г и л л а - ган товуши эшитилди. Дарров магнитофонни тўхтатдим. Устоз эшикни очиб дедилар:

— Нодирахон, приёмники ўчириб туринлар, бу ёқда запись кетяпти!

Энди ёзувни бошлагандик ҳамки, аксига олиб телефон жиринглаб қолди.

— Об-бо, — дедим мен ҳафсам пир бўлиб. — Унияи узиб қўйиш керак!

— Аҳмоқ гапни гапирма, теле-



фон керак! — дедилар устоз.

— Беш минутга узиб қўйсангиз, ҳеч нима қилмайди-ку! — дедим мен ҳам қайсарлик билан.

Устоз телефон симини девордан узиб олиб қўйдилар ва жаҳл билан дедилар:

— Бўлдимми? Ё қозониям ўчириб туришинми?

— Қапир-қозоннинг шовқини эшитилмаса бўлди, — дедим.

Устоз яна ташқарига чиқиб, "Биз радиога гап ёзяпмиз, тинчлик сақлансин!" деб тайинлаб келдилар.

Хуллас, ўн дақиқалик суҳбатни магнит тасмасига ёзиб олгунча устоз иккимиз бир қути сигаретни чекиб ташладик. Хона тутунга тўлиб кетди. Ниҳоят, ёзув тугади. Мен раҳмат айтиб чиқиб келарканман, сўрадим:

— Домла, бу суҳбатимизга қанақа с а р л а в х а қўяйин?

— Билганинг-ни қил! — дедилар устоз яна соатни деворга илатуриб ва норози оҳанда қўшиб қўйдилар:

— Ҳаммаёқни расвосини чиқардинг! Ҳали соатни ўрнидан қўзгатасан! Ҳали телефонни уз дейсан! Ҳали приёмники ўчир дейсан! Эшиттиришингга "Шип-шийдон хонадан репортаж" деб сарлавҳа қўяқол!

Эркин УСМОНОВ

эди, бор эди, фақат сал бетайин эди.

Ўзимиздан чиққан бўлишига қарамай, сал фойданинг ҳидини сезса, четга кетиб қоларди. Айниқса, Россияни яхши кўрарди. У ернинг совуғига чидайдиغان Газхон ўзбекнинг аёздан чўчида шекилли, ўзини яна ўлик-

Лекин қўрмағур ваъдани болларди, ўн марта алдаса ҳам яна ишониб қолардик.

Мактаблар ёзда тонна-тонна полиз экинлару мева-чева сақланадиган муздай омборхонага айланди қолди. Ҳадеб дарсликларни янгиланмай шу мактабларни иситиш ҳақи-

Таъзия

ка солди.

Ўлгунинг ортидан гапириш яхшимасу, лекин Газхон кейинги пайтларда жуда ваъдабоз бўлиб қолувди. Унга ёш болалар ҳам ишонмай қўйганди.

да қачон ўйларканмиз-а? Ўлмай ўлгур Газхон! Сenga ишонгандик. Афсус, афсус...

Ёндирса ҳам ёз яхши экан...

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Илк учрашув

Атоқли рус шоири Владимир Маяковский политехника институтига ўқушга боради. У ерда нутқ сўзлаётди:

— Мен руслар орасида ўзимни рус деб ҳис қиламан, грузинлар орасида эса грузин... — дейди.

Шу пайт:

— Аҳмоқлар орасида-чи? — деб бақиради кимдир залдан.

— Аҳмоқлар орасида биринчи бор бўлишим, — деб жавоб беради шоир ўша заҳотиёқ.



ДАЗМОЛ — асли "ЎТ" ва "ЮГ"дан иборат, ОЛОВ ва ЖАНУБдан жамланган сўздек. Эрни парваришлаб, ҳар қандай ҳолат, Кўнглин ола билан келин ва қиздек — ...Гази йўқ, Меҳр бор хонадонларда...



"Ёмғир — бу ҲАШ 2 О, У дардкаш булутлар йиғиси эмас". Қор эса — "ҚИШ 2 О", Этиксиз йиғитлар йиғиси эмас...

Тўхтамурод ҲАСАНБОВ



TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va
"Tashkentskaya pravda"
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Ummat MIRZAUQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sirojiddin ESHQUVVATOV

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV



Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkentaqiqati@mail.ru

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Suhrobjon SADIROV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.

Bosishga topshirildi - 20.30

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-1231.

4 317 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qo'g'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi
ofisimiz: Bektemir tumani,
Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tohir Mahmudxo'jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning
chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.

Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

123456